251-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИНИНГ БУЙРУГИ

251 Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти устидан ва аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2588

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги ПҚ−1572-сон «Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қушимча чора-тадбирлар тӱғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги 278-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тӱ́грисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

- 1. Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти устидан ва аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш., 2014 йил 12 май, 46-сон



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

21 (625)-сон — 31 — 251-модда

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати раисининг 2014 йил 12 майдаги 46-сон буйругига ИЛОВА

Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти устидан ва аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги ПҚ—1572-сон «Миллий ахборот ресурсларини мухофаза қилишга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби туррисидаги низомга мувофиқ Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар (бундан буён матнда аттестациядан ўтказувчи орган деб юритилади) фаолияти устидан, шунингдек аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талаблари бажарилишининг назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Назорат қуйидагиларга нисбатан амалга оширилади: аттестациядан ўтказувчи органлар фаолияти;

аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектлари (бундан буён матнда ахборотлаштириш объектлари деб юритилади).

Назорат хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш туррисидаги қонун хужжатлари, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

- 2. Назоратни ўтказиш билан боғлиқ барча ишлар беғараз асосда амалга оширилади.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги ПҚ—1572-сон қарори билан тасдиқланған Ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш тўгрисидаги низомга мувофик ахборотлаштириш объектларини назорат Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (бундан буён матнда Ваколатли орган деб юритилади) зиммасига юклатилган.

2-боб. Назоратни ўтказиш турлари ва тартиби

4. Назорат доирасида ўтказиладиган, аттестациядан ўтказувчи органлар



251-модда

ва ахборотлаштириш объектларига қуйиладиган талабларга риоя этилишининг текширувлари режали ва режадан ташқари, шу жумладан назорат тартибидаги текширувларга булинади.

- 5. Режали ва режадан ташқари текширувларни ўтказиш жараёнида аттестациядан ўтказувчи органлар ва ахборотлаштириш объектларининг фойдаланиши чекланган ахборотни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолияти ўрганилади.
- 6. Режали ва режадан ташқари текширувлар натижалари далолатномалар билан расмийлаштирилади. Назорат тартибида ўтказиладиган текширувлар якунлари бўйича далолатномалар ёки маълумотномалар тузилади. Далолатномалар (маълумотномалар) шакли ихтиёрий, бирок уларда тавсифлаш кисми, хулосалар ва аникланган коидабузарликларни бартараф этиш бўйича талаблар бўлиши шарт. Текширув натижалари текширилаётган ташкилот рахбариятига етказилади. Текширув далолатномаси (маълумотномаси)нинг нусхаси юкори турувчи ташкилотга юборилади (мавжуд бўлганда).
 - 7. Режали текширувлар қуйидагиларга нисбатан ўтказилади:

аттестациядан ўтказувчи органларга — Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома (бундан буён матнда Рухсатнома деб юритилади)нинг амал қилиш муддати давомида бир мартадан кўп бўлмаган холда;

ахборотлаштириш объектларига — Ахборотлаштириш объектини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиклик аттестати (бундан буён матнда Мувофиклик аттестати деб юритилади)нинг амал килиши давомида бир мартадан куп булмаган холда.

- 8. Режадан ташқари текширувлар норматив-хуқуқий хужжатлар ёки ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатлари тўгрисидаги маълумотлар келиб тушган ҳолда ўтказилади.
- 9. Режали ва режадан ташқари текширувлар жараёнида камчиликлар ва қоидабузарликлар аниқланган ҳолда, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш фактини аниқлаш мақсадида назорат тартибидаги текширувлар ўтказилади.
- 10. Аттестациядан ўтказувчи орган фаолияти устидан назоратни амалга оширишда қуйидагилар текширилади:

қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказувчи органлар тўгрисидаги намунавий низомда (рўйхат рақами 2587, 2014 йил 21 май) назарда тутилган функцияларнинг бажарилиши ва талабларга риоя қилиниши;

рухсат этилган фаолият буйича норматив-хукуқий хужжатлар ва бошқа хужжатлар фондининг мавжудлиги, турри юритилиши ва сақланиши;

штат таркибидаги ходимлар малакаси, лавозим йўрикномаларининг мавжудлиги, ходимларнинг ўз хукуклари ва мажбуриятлари, ахборот хавфсизлиги ва ахборотни мухофаза килиш сохасидаги норматив-хукукий хужжат-



лар ва бошқа хужжатлар талабларини билиши (шу жумладан амалий кўникмаларни текширган ҳолда);

ходимларнинг малака ошириш курсларини ўтиш даврийлиги;

аттестациядан ўтказиш учун талабномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қоидаларига риоя қилиниши;

ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказишда ариза берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик;

ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш бўйича ишларни тўгри ташкил қилиниши ва амалга оширилиши;

синовлар баённомалари ва натижаларини тўгри расмийлаштирилиши ва ўз вақтида тайёрланиши;

Мувофиклик аттестатини тўгри расмийлаштириш ва ўз вактида берилиши:

маълумотларни Ваколатли органга ўз вақтида ва сифатли такдим этилиши;

аттестация ўтказишда қўлланиладиган ўлчаш техникасини ўз вақтида текширувдан ўтказилишлари;

аттестациядан ўтказиш жараёнида, аттестациядан ўтказувчи органнинг ходимларига маълум бўлган конфиденциал ахборотни сақланишига риоя қилиш бўйича талабларни бажарилиши;

курилган чора-тадбирлар самарадорлиги ва аввалги эксперт комиссиясининг таклифлари (тавсиялари) ёки талабларининг тулик бажарилиши.

11. Ваколатли орган қонун хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказувчи орган Рухсатномасининг амал қилишини қуйидаги ҳолларда тугатиши ёки тўхтатиб қўйиши мумкин:

аттестациядан ўтказувчи орган тўгрисидаги низомда назарда тутилган функциялар лозим даражада бажарилмаганда ва мажбуриятларга риоя этилмаганда;

штат таркибидаги ходимлар малакаси қуйиладиган талабларга мувофиқ булмаганда;

камчиликларни бартараф этиш буйича таклифлар белгиланган муддатларда бажарилмаганда;

ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш қоидалари ва тартиб-таомиллари бир неча маротаба бузилганда.

12. Ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиш устидан назорат қуйидаги ишларни амалга оширишни ўз ичига олади:

аттестациядан ўтказилган объект ходимлари томонидан ахборотни мухофаза қилиш бўйича талабларнинг бажарилиши тўгрисида келиб тушаётган маълумотларни тахлили;

зарур булганда, синовлар (техник тадқиқотлар)ни утказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

назорат натижаларини расмийлаштириш ва қарор қабул қилиш.

13. Текширув натижалари буйича Ваколатли орган қонун ҳужжатлари-



251-модда

да белгиланган тартибда Мувофиклик аттестатининг амал килишини куйидаги холларда тугатиш ёки тўхтатиб куйишга хакли:

синов (техник тадқиқот) натижаларининг ахборот хавфсизлиги талаблари ва аввал олинган натижаларга ёмон томонга ўзгариши билан номувофиклиги;

ахборотлаштириш объекти ахборот хавфсизлиги соҳасидаги нормативҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар талабларига риоя этмаганда;

Мувофиклик аттестатини берган аттестациядан ўтказувчи орган томонидан ахборотлаштириш объектининг мухофазаланганлик холатига мухим таъсир кўрсатувчи синовларни ўтказиш методикалари бузилганда.

3-боб. Назорат қилувчи органнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

14. Назоратни амалга ошириш мақсадида, Ваколатли орган хузурида Ваколатли органнинг ишчи органи функцияларини амалга оширувчи эксперт комиссиялари тузилади.

Эксперт комиссияси фаолияти Ваколатли органнинг эксперт комиссияси тўгрисидаги низом билан тартибга солинади.

15. Ваколатли органнинг Эксперт комиссиялари ўз ваколати доирасида куйидаги хуқуқларга эга:

текширилаётган объектнинг фойдаланилиши чекланган ахборотни қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ булган фаолияти билан танишиш;

аттестациядан ўтказувчи орган тузилмасига кирмайдиган, лекин аттестация ишларини ўтказишга жалб қилинадиган синов лабораториялари (марказлари)нинг фаолиятини баҳолашни амалга ошириш;

қоидабузарликлар аниқланганда аттестациядан ўтказувчи орган ёки аттестациядан ўтказилган ахборотлаштириш объектини текшириш далолатномаси (маълумотномаси)да баён қилинадиган, бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган талабларни бериш;

мухофаза қилинадиган ахборотни чиқиб кетиш каналларининг юзага келишига сабаб булувчи қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишлари аниқланган ҳолларда, ташкилот фаолиятини туҳтатиб қуйишга олиб келмайдиган, ахборотлаштириш объектида фойдаланилиши чекланган ахборотни ҳайта ишлаш билан боғлиқ айрим операцияларни туҳтатиб ҳуйиш;

ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш буйича қонун хужжатлари билан белгиланган талаблар бажарилмаган холларда, Ваколатли органга, аттестациядан ўтказувчи органга берилган Рухсатнома ёки аттестацияланган ахборотлаштириш объектининг Мувофиклик аттестатини амал қилишини тугатиш ёки тухтатиб қуйиш туррисида таклифлар киритиш.

16. Ваколатли органнинг эксперт комиссиялари:

қонун хужжатларида белгиланган муддатларда назоратни амалга оширишга;



251, 253-моддалар

ахборот хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бош-қа ҳужжатларга мувофиқ назорат ўтказилишини таъминлашга;

ахборотлаштириш объектининг муҳофазаланганлик ҳолатига муҳим таъсир кӱрсатувчи қоидабузарликлар аниқланган ҳолларда қонун ҳужжатлари, шу жумладан ушбу Низомда назарда тутилган чораларни кўришга;

назоратни амалга ошириш жараёнида маълум булган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлашга мажбур.

4-боб. Якуний қоидалар

- 17. Ушбу Низомни бузишда айбдор булган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар буладилар.
- 18. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси билан келишилган.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ